

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АБДУХАЛИЛОВА НИЛУФАР САБИРОВНА

**КУРКУМА АСОСИДА БИОФАОЛ ҚЎШИМЧА
ВА СУРТМА ДОРИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

15.00.01 – дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Абдухалилова Нилуфар Сабировна

Куркума асосида биофаол кўшимча ва суртма дори технологиясини
ишлаб чиқиш 3

Абдухалилова Нилуфар Сабировна

Разработка технологии биологически активной добавки и мази на
основе куркумы 21

Abdukhalilova Nilufar Sabirovna

Development of technology of biologically active supplement and ointment
based on turmeric 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АБДУХАЛИЛОВА НИЛУФАР САБИРОВНА

КУРКУМА АСОСИДА БИОФАОЛ ҚЎШИМЧА
ВА СУРТМА ДОРИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

15.00.01 – дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.1.PhD/Far44 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Искандарова Шохиста Фехруловна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юнусова Холдида Маннановна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Ходжаева Ирода Ахматходжаевна
фармацевтика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

А.Султонов номли Ўзбекистон кимё
фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «06» Октябрь соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (01 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» сентябрь куни тарқатилди
(2021 йил «10» сентябрь даги 01 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризиев
берувчи илмий

Илмий даражалар
кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д.,
профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиغا кўра, ҳаракат таянч тизими касалликлари турли ёшга мансуб инсонларда ногиронликка сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолатлар организм функционал имкониятларини чекловчи жиддий салбий оқибатларга олиб келади. Шу муносабат билан ҳаракат таянч тизими касалликларини олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар олиб борилиб, бунда аҳолини меъёрда овқатланиши ва унинг сифат жиҳатдан мутаносиблигини таъминлашда биологик фаол қўшимчалар ҳамда микронутриентлар комплексидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон фармацевтика саноатини ривожланишида инновацион технологияларни қўллаган ҳолда доривор ўсимликлар асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш бўйича кенг кўламда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўсимлик хомашёларидан замонавий усулда қуруқ экстрактлар олиш, уларнинг таркибидаги биологик фаол моддаларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш, олинган маҳсулотлардан самарали дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларнинг мақбул технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарилиши натижасида аҳолини хавфсиз ва арзон препаратлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлашини яхшилаш»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада фармацевтик эркин иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этиш, маҳаллий хомашёлар асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968 «Ўзбекистон Республикасида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация изланишларида қўлланилган ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ҳамда улар асосида дори турларини яратиш ва тиббиёт амалиётига жорий қилишда С.И.Искандаров, А.Н.Юнусходжаев, А.У.Маматханов, Р.М.Халилов, Л.Д.Котенко, С.Н.Аминов, Х.Н.Бекчанов, Ш.Н.Мадрахимов каби юртимиз олимларининг илмий ишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида диссертацияда қўлланилган ўсимлик хомашёлари асосида биологик фаол қўшимчаларнинг технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни таркибидаги таъсир қилувчи биологик фаол моддаларни ўрганиш бўйича қуйидаги олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган: G.N.Asher, K.Spelman, A.Bharti, H.Bauyer, R.A.Disilvestro, E.Jozeph, S.Zhao, J.Bomser, H.Hatcher, R.Planalp, J.Cho, F.Torti. Шунингдек, МДХ давлатларида А.П.Козлова, М.Ю.Борисов, В.А.Куркин, Е.В.Авдеева, Т.К.Рязанова, В.М.Рыжов ва б.

Ушбу диссертация ишида режалаштирилган тадқиқотлар *Curcuma longa L.*, *Ferula asse-foetida L.* ўсимлик илдиз ва илдизпояларидан замонавий циркуляцион усулда қуруқ экстрактлар олиш ва уларнинг асосида синергетик фаолликни таъминлайдиган биологик фаол қўшимча учун илмий асосланган таркиб танлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар бугунги кунгача олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади узун куркума (*Curcuma longa L.*) ва сассиқ каврак (*Ferula asse-foetida L.*) асосида биологик фаол қўшимча ва суртма дори технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавзу бўйича олиб борилган илмий ишларни таҳлил қилиш;
узун куркума ва сассиқ каврак илдиз ва илдизпоясидан замонавий циркуляцион усулда қуруқ экстракт олиш технологиясини ишлаб чиқиш;
олинган қуруқ экстрактларнинг таркибидаги биологик фаол моддаларнинг таҳлилини ўтказиш;

БФҚ капсулалари ҳамда суртма учун илмий асосланган таркиб танлаш

ва мақбул технологиясини ишлаб чиқиш;

капсула массаларининг технологик кўрсаткичларини ва суртманинг реологик хоссасаларини аниқлаш;

капсула ва суртманинг сифат меъёрларини аниқлаш ва назоратини ўтказиш;

капсула ва суртманинг сақлаш шароитини аниқлаш ҳамда яроқлилик муддатларини белгилаш;

олинган натижалар асосида биологик фаол кўшимча учун меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзстандарт агентлигига топшириш ҳамда капсулаларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида узун куркума (*Curcuma longa L.*) ва сассиқ каврак (*Ferula asse-foetida L.*) ўсимликлари қуруқ экстрактлари, «Курмуфер» капсулалари ҳамда «Курферит» суртмаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети икки хил доривор ўсимликлар асосида қуруқ экстрактлар олиш, улар асосида илмий асосланган капсула ҳамда суртма учун оптимал таркиб танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш, уларнинг сифат меъёрларини аниқлаш ва тегишли меъёрий-техник ҳужжатларни тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб боришда замонавий технологик, физик-кимёвий (спектрофотометрия, юқори самарали суюқлик хроматографияси), биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор замонавий циркуляциян усулни қўллаб, узун куркума ва сассиқ каврак асосида қуруқ экстрактлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

олинган экстрактлар асосида «Курмуфер» биологик фаол кўшимчасининг ҳамда «Курферит» суртмасининг таркиби танлаган ва мақбул технологияси ишлаб чиқилган;

олинган қуруқ экстрактлар ва «Курмуфер» биологик фаол кўшимчаси ҳамда «Курферит» суртма таркибидаги биологик фаол моддаларнинг миқдори аниқланган;

«Курферит» суртмасининг структура-механик кўрсаткичларини аниқлаш натижасида у деформация кучлари таъсир эттирилганидан сўнг қайта тикланиш хусусиятига эга тиксотроп тизим эканлиги ҳамда ҳарорат ошиши ушбу кўрсаткичларнинг камайишига олиб келиши исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

узун куркума (*Curcuma longa L.*) ва сассиқ каврак (*Ferula asse-foetida L.*) ўсимликларидан олинган қуруқ экстрактлар ва уларнинг асосида ишлаб чиқилган капсула ва суртманинг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддати асосланган;

«Курмуфер» капсулалари учун меъёрий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилган;

«Курферит» суртмаси учун тажриба саноат регламенти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда олинган натижаларнинг ишончлилик даражаси замонавий технологик, физик, физик-кимёвий ва статистик усуллардан фойдаланганлиги ҳамда саноат-тажриба шароитдаги синови билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлардан замонавий циркуляцион усулда қуруқ экстрактлар олиш ва улар асосида «Курмуфер» биологик фаол қўшимчаси ҳамда «Курферит» суртма таркиби ва технологиясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида «Naturex» МЧЖ билан ҳамкорликда «Курмуфер» биологик фаол қўшимчага Техник шартлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги билан изоҳланади ҳамда импорт ўрнини босиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Куркума асосида биофаол қўшимча ва суртма дори технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Курмуфер» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 23937838-25:2018) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 23937838-25:2018). Натижада «Naturex» МЧЖ да узун куркума ва сассик кавракдан замонавий циркуляцион усулда олинган қуруқ экстрактлар асосида «Курмуфер» капсулаларини ишлаб чиқариш имконини берган;

«Курферит» суртмаси учун тажриба саноат регламенти «PHARMACON LLC» МЧЖ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (ОПР-42 Уз-03873/22175941-2021). Натижада яллиғланишга қарши восита учун меъёрий хужжатларни ишлаб чиқилиши ва рўйхатга олиниш имкони таъминланган;

Ўтказилган клиник олди синовлар натижасида узун куркума (*Curcuma longa L.*) ўсимлигидан олинган қуруқ экстракт ва унинг асосида олинган суртманинг специфик фармакологик фаоллиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада яллиғланишга қарши фаолликка эга ва токсик бўлмаган дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 таси республикада ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Узун куркума ва сассиқ каврак ўсимликлари ва улар асосида олинган препаратлар: замонавий ҳолати ва тиббиётдаги ўрни»** деб номланувчи биринчи бобида тадқиқотларда қўлланилган доривор ўсимлик хомашёлари, уларнинг тиббиётдаги аҳамияти ёритилган. Шунингдек, ушбу бобда юқорида номи келтириган ўсимлик хомашёлари олинган биологик фаол қўшимчалар ва дори воситалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объекти ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида танланган таҳлил усулларини асослаш, асосий ва ёрдамчи моддалар, қўлланилган физик ва физик кимёвий усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотларда Давлат Фармакопеясида келтирилган усуллардан шунингдек, юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) ва бошқа усуллардан ҳам фойдаланилган.

Диссертациянинг **«Узун куркума (*Curcuma longa L.*) ва сассиқ каврак (*Ferula asse-foetida L.*) ўсимлик хомашёлари асосида қуруқ экстракт олиш технологиясини ишлаб чиқиш»** номли учинчи бобида узун куркума ва сассиқ каврак илдизи ва илдизпояларидан замонавий циркуляцион усулда қуруқ экстракт олиш ва жараёнга таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар замонавий «Ruian Xuanli machinery Ltd» (Хитой) экстракторида олиб борилди. Экстрактор асосий экстракцион резервуар, конденсатор ҳамда вакуум конденсатордан ташкил топган. Замонавий циркуляцион усулда қуруқ экстракт олишда ажратувчи сифатида 40, 60 ва 70% этил спиртларидан фойдаланилди. Тадқиқотларнинг дастлабки босқичида қуруқ экстрактни олиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилди: олдиндан тайёрланган перколяторга 10 кг тозаланиб, майдаланган ва эланган ўсимлик хомашёлари солинди. Сўнг перколяторга тозаланган сув қуйилиб, 50⁰С ҳароратгача иситилди ва 4 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтганидан сўнг 10 дақиқага ультратовуш ёқилди. Олинган экстрагирланган суюқлик вакуум конденсатор ва йиғичга ўтказилди. 100 л суюқ экстракт ҳосил бўлди. Ишлаб чиқариш технологик жараён асосида

куруқ экстракт олишда қўшимча қуритиш жараёни мавжуд бўлиб, бунда «LPG-15 Spray dryer» русумли қуритиш аппаратидан фойдаланилди.

Олинган хар ҳил намуна қуруқ экстрактлар (40, 60 ва 70% этил спиртларида олинган намуналар) оч-қизғишдан тўқ-жигаранггача бўлган кукун бўлиб, зиравор ҳид ва ўзига хос таъмга эга.

Кейинги тадқиқотлар олинган қуруқ экстрактлар (узун куркума ҳамда сассиқ каврак илдизи ва илдизпоялари қуруқ экстрактлари)нинг таркибидаги биологик фаол моддаларнинг таҳлилига бағишланди. Бунда юқори самарали суюқлик хроматография усули қўлланилди. Тадқиқотларда Shimadzu компанияси томонидан ишлаб чиқарилган «LC-20 prominence» (Япония) ускунасидан фойдаланилди.

Натижаларга кўра замонавий циркуляцион усулда олинган узун куркума қуруқ экстракти таркибида 9,8% куркуминоидлар борлиги аниқланиб, қуйидаги 1-жадвалда унинг метрологик тавсифи келтирилди.

1-жадвал

Узун куркума қуруқ экстракти таркибидаги куркуминоидларнинг миқдорини аниқлаш ва унинг метрологик тавсифи

Тортим, г	Аниқланган биофаол моддаларнинг миқдори, %	Метрологик тавсифи
1,0140	9,8	$\bar{X} = 9,7600$ $S = 0,2991$ $S_{\bar{X}} = 0,1338$ $\Delta X = 0,8314$ $\Delta \bar{X} = 0,3712$ $\varepsilon \% = 5,9889$ $\bar{\varepsilon} = 3,8463 \%$
1,0210	9,75	
1,0130	9,65	
1,0112	10	
1,0205	9,6	

Жумладан узун куркума қуруқ экстракти таркибидаги ферул кислота миқдорий таҳлили ҳам ўтказилиб, бунда унинг таркибида 0,004% ферул кислота борлиги аниқланди.

Ferula asse-foetida L., қуруқ экстракти таркибидаги ферул кислотаси аниқланиб, унинг миқдори 0,01% ни ташкил этиши аниқланди. Қуйидаги 2-жадвалда унинг метрологик тавсифи келтирилди.

2-жадвал

Сассиқ каврак қуруқ экстракти таркибидаги ферул кислоталарнинг миқдорини аниқлаш ва унинг метрологик тавсифи

Тортим, г.	Аниқланган биофаол моддаларнинг миқдори, %	Метрологик тавсифи
1,0124	0,0123	$\bar{X} = 0,0118$ $S = 0,0005$
1,0017	0,0111	

1,0109	0,0118	$S_{\bar{X}}=0,00023$ $\Delta X=0,00139$ $\Delta \bar{X}=0,0006$ $\varepsilon\%=4,4746$ $\bar{\varepsilon}=1,2241\%$
1,0102	0,0115	
1,0058	0,0123	

Аминокислоталарнинг организмда ғоят муҳим биологик жараёнларда қатнашишини инобатга олиб, қуруқ экстрактнинг аминокислотали таркиби ўрганилди. Фенилтиокарбомил (ФТК)-аминокислоталарнинг идентификацияси Agilent 1200 хроматографининг, Discovery HS C18 колонкасида ўтказилди. Бунда эритмалар – А: 0,14 М CH₃COONa В: CH₃CN бўлиб, оқим тезлиги 1,2 мл/дақ ни ташкил қилди, ютилиши 269 нм тўлқин узунлигида аниқланди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвал

Узун қуруқма ва сассиқ каврак қуруқ экстракти аминокислотали таркиби

Аминокислоталар номи	Концентрация, мг/г		Аминокислоталар номи	Концентрация, мг/г	
	Узун қуруқма	Сассиқ каврак		Узун қуруқма	Сассиқ каврак
Аспарагин к-та	0,06	0,17	Пролин	0,06	0,31
Глутамин к-та	0,12	0,25	Тирозин	0,08	0,20
Серин	0,04	0,15	Валин*	0,07	0,31
Глицин	0,04	0,78	Метионин*	0,02	0,05
Аспарагин	0,04	0,77	Изолейцин*	0,08	0,26
Глутамин	0,13	0,41	Лейцин *	0,07	0,18
Цистеин	0,23	0,96	Гистидин	0,23	1,27
Треонин*	0,05	0,26	Триптофан	0,07	0,23
Аргинин	0,18	0,26	Фенилаланин*	0,03	0,11
Аланин	0,03	0,30	Лизин*	0,02	0,02
Жами				1,63	7,26

Таҳлил қилинган узун қуруқма ва сассиқ каврак қуруқ экстракти намуналарида 7 та (* билан алмашинмайдиган аминокислоталар белгиланган) алмашинмайдиган ва 14 та алмашинадиган аминокислоталар намоён бўлган. Таъкидлаш керакки, ҳар иккала намуна балансланган аминокислотали таркибга эга бўлиб узун қуруқма қуруқ экстракти таркибида аниқланган аминокислоталар орасида гистидин (0,23 мг/гр), цистеин (0,23 мг/гр), аргинин (0,18 мг/гр), глутамин (0,13 мг/гр) миқдорий жиҳатдан устунлиги аниқланди.

Сассиқ каврак қуруқ экстракти таркибида эса аниқланган аминокислоталар орасида гистидин (1,27 мг/гр), цистеин (0,96 мг/гр), глицин (0,78 мг/гр), аспарагин (0,77 мг/гр) миқдорий жиҳатдан устунлиги аниқланди.

Олинган куруқ экстрактлар таркибидаги макро- ва микроэлементлар миқдорини таҳлили ЎзР Фанлар академиясининг Гидрогеология ИТИ марказий лабораториси, ICP «Agilent Technologies» спектрометрида (АҚШ, Series Sr №7500) олиб борилди. Тажириба натижалари 4-жадвалда келтирилди:

4-жадвал

Узун куркума ва сассиқ каврак илдизи ва илдизпоясидан олинган куруқ экстрактларининг элемент таркиби

Элементларнинг номи	Миқдори, мг/кг		Элементларнинг номи	Миқдори, мг/кг	
	Узун куркума	Сассиқ каврак		Узун куркума	Сассиқ каврак
Li	0,210	0,260	Se	1,90	1,60
Na	560	640	Rb	13,0	4,50
Mg	1100	1500	Sr	10,0	7,70
K	22000	16000	Mo	2,70	1,80
Ca	2400	2200	Zn	9,80	130
Fe	210	160	Ba	27,0	15,0
Cu	5,40	7,90	P	950	-
Cr	-	3,70	Ce	-	1,10

4-жадвалдаги маълумотларга кўра узун куркума куруқ экстракти таркибида катта миқдорларда калий – 22000 мг/кг гача, кальций – 2400 мг/кг гача, натрий – 560 мг/кг гача мавжудлиги аниқланди. Микроэлементлар таркиби куйидагича: темир – 210 мг/кг, рух – 9,80 мг/кг, стронций 10,0 мг/кг, молибден – 2,70 мг/кг, мис – 5,40 мг/кг, цезий – 0,075 мг/кг, марганец – 81,0 мг/кг, алюминий – 1000 мг/кг, рубидий – 13,0 мг/кг. Ультрамикроэлементлар миқдори куйидаги чегараларда: селен – 1,90 мг/кг, кобальт – 0,110 мг/кг, ванадий – 0,800 мг/кг, хром – 4,00 мг/кг, никель – 3,00 мг/кг, литий – 0,210 мг/кг, кумуш – 0,013 мг/кг.

Таҳлил натижаларига кўра сассиқ каврак куруқ экстрактида катта миқдорда калий – 16000 мг/кг гача, кальций – 2200 мг/кг, натрий – 640 мг/кг мавжудлиги аниқланди. Элементлар таркиби: темир – 160 мг/кг, рух – 130 мг/кг, стронций 7,70 мг/кг, молибден – 1,80 мг/кг, мис – 7,90 мг/кг, цезий – 0,066 мг/кг, марганец – 10,0 мг/кг, алюминий – 830 мг/кг, рубидий – 4,50 мг/кг, селен – 1,60 мг/кг, кобальт – 0,180 мг/кг, ванадий – 0,890 мг/кг, хром – 3,70 мг/кг, никель – 2,80 мг/кг, литий – 0,260 мг/кг, кумуш – 0,007 мг/кг.

Токсик элементлар – кадмий, кўрғошин, бериллий, симоб ва таллий миқдори 0283-сон СанПиН да белгиланган гигиеник нормаларга мос келиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Курмуфер**» капсулалар технологиясини ишлаб чиқиш» номли тўртинчи бобида узун куркума ҳамда сассиқ каврак ўсимлиги асосида олинган куруқ экстрактнинг технологик кўрсаткичлари ўрганилиб, улар ижобий кўрсаткичларга эга бўлмаганлиги туфайли таркибига ёрдамчи моддалар қўшиш лозим деб топилди. Куйидаги жадвалда капсула таркибини танлашда фойдаланилган ёрдамчи моддалар келтирилди (5-жадвал).

Узун куркума ва сассиқ каврак қуруқ экстрактлари сақлаган капсула таркибини танлашда фойдаланилган ёрдамчи моддалар

Фойдаланилган моддалар	Таркиблар, мг								
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Узун куркума экстракти	200	200	200	200	200	200	200	200	200
Сассиқ каврак экстракти	75	75	75	75	75	75	75	75	75
Мумиё	50	50	50	50	50	50	50	50	50
МКЦ	53	55	57	-	-	-	-	-	-
Картошка крахмали	-	-	-	65	70	70	-	-	-
Лактоза	-	-	-	-	-	-	66	65	70
Аэросил	15	12	15	-	-	-	-	-	-
Магний стеарат	-	4	-	5	-	5	-	5	-
Калций стеарат	4	-	-	-	-	-	4	-	5
Натрий кроскармеллоза	3	4	3	5	5	-	5	5	-
Умумий оғирлиги	400	400	400	400	400	400	400	400	400

Узун куркума ва сассиқ каврак қуруқ экстрактлари ҳамда турли ёрдамчи моддалар билан биргаликда нам донадорлаш усулидан воз кечган ҳолда - қуруқ қоришим усулида 9 хил таркибда капсулалаш учун массалар тайёрланиб, уларнинг технологик кўрсаткичларининг ўрганиш натижалари 6-жадвалда келтирилди:

Капула массаларининг технологик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Технологик кўрсаткичлар	Таркиблар, №								
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Ташқи кўриниши	Тўқ сариқ рангли гранулалар	-“-	-“-	-“-	-“-	-“-	-“-	-“-	-“-
Табийий оғиш бурчаги, ⁰	45	40	62	57	36	55	35	42	46
Сочилувчанлиги 10 ⁻³ кг/с	4,91	6,82	3,85	3,97	7,1	7,7	7,9	9,0	8,9
Сочилувчан зичлиги, кг/м ³	545	670	395	410	556	570	470	620	560

Қолдиқ намлик, %	3,85	2,86	2,54	2,75	2,86	2,86	2,86	2,86	2,86
Фракцион таркиби, %	22,11	25,62	27,17	26,34	23,68	25,82	22,65	25,62	27,52
+1000 мкм –	59,43	61,28	58,67	54,23	63,22	61,08	57,27	61,28	53,29
-1000+500 мкм –	7,83	10,23	8,12	13,82	10,23	10,23	11,35	9,23	15,71
-500+250 мкм	5,66	1,87	4,40	3,45	1,87	1,67	7,67	1,87	1,87
–	4,97	1,00	1,64	2,16	1,00	1,20	1,06	2,00	1,61
-250+160 мкм									
–									

Тадқиқот натижаларига кўра ижобий технологик кўрсаткичларни намоён қилган таркиб, яъни 2 таркиб танланди. Ушбу таркиб капсулаланиб, «Курмуфер» деб шартли номланди:

Узун куркума куруқ экстракти	200 мг
Сассиқ каврак куруқ экстракти	75 мг
Мумиё	50 мг
Магний стеарат	4 мг
Аэросил	12 мг
МКЦ	55 мг
Натрий кроскармеллоза	4 мг
<i>Умумий оғирлиги</i>	400

Технологияси: Капсула таркибига кирувчи асосий таъсир этувчи ҳамда ёрдамчи моддалар аралаштирилиб, катталиги 0,5 мм бўлган элақдан ўтказилди. Эланган массани механик аралаштиргич HD 1000 ускунасига солиниб, 40 дақиқа давомида аралаштирилди. Тадқиқотларнинг навбатдаги босқичида масса капсула тўлдирувчи МФ-30 машинасида №0 рақамли капсулаларга жойланиб, ВР 150 автоматлаштирилган ускунада блистерларга қадоқланди.

Олинган капсулаларнинг сифати баҳоланди ва натижалар 7-жадвалда келтирилди.

7-жадвал

**«Курмуфер» капсулаларининг сифат кўрсаткичлари таҳлили
натижалари**

Ташқи кўриниши	Ўртача оғирлиги ва ундан четланиши г, %		Парчаланиши, дақиқа	Миқдорий таҳлил, куркумин, %
	Тўлдирилган капсула учун,	Капсула массаси учун		87 %
Зарғалдоқ рангли, №0 рақамли капсулалар	0,420 ±2%	0,400± 1,2%	10-12	

Ишлаб чиқилган технологик жараёнлар ва таҳлил ишлари саноат миқёсида «Naturex» МЧЖ корхонасида синаб кўрилди ва жорий этилди.

Диссертациянинг ««Курферит» суртмаси технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобида узун куркума ва сассиқ каврак куруқ экстракти асосида олинган «Курферит» суртмасининг оптимал таркибини танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш, унинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларига бағишланган маълумотлар келтирилган.

Суртма дори тури учун турли асосларда таркиблар танланди. Куркума асосида юмшоқ дори тури яратишда 5 хил турдаги асослардан фойдаланилди. Суртмалар гидрофоб, гидрофил, силиконли, синтетик юқори молекуляр бирикмалардан тайёрланди. Суртма намуналарининг таркиби 8-жадвалда келтирилди.

8-жадвал

Турли асослардаги суртма намуналарининг таркиби ва уларнинг миқдори

Таркиб № Асослар	№1 таркиб (Вазелин-ланолин)	№2 таркиб (МЦ-3% ли)	№3 таркиб (ПЭО 400, 1500)	№4 таркиб (Карбомер 940-1,5% ли)	№5 таркиб (Аэросиль-8% ли)
Узун куркума куруқ экстракти	3,0 г	3,0 г	3,0 г	3,0 г	3,0 г
Сассиқ каврак куруқ экстракти	2,0 г	2,0 г	2,0 г	2,0 г	2,0 г
Карбомер 940	-	-	-	1,5	-
0,1 н NaOH эритмаси	-	-	-	5 томчи	-
Вазелин	55	-	-	-	-
Ланолин	35	-	-	-	-
ПЭО 400	-	-	40,0	-	-
ПЭО 1500	-	-	30,0	-	-
Глицерин	5	19	20,0	-	-
МЦ	-	6	-	-	-
Аэросил	-	-	-	-	8
Тозаланган сув	-	70 мл	5 мл	92,4 мл	87 мл
Нипагин	-	0,1	-	0,1	0,1
Нипазол	0,1	-	-	-	-
ЖАМИ:	100 гача	100 гача	100 гача	100 гача	100 гача

Тадқиқотларнинг биринчи босқичида олинган суртмаларнинг ташқи кўриниши, бир хиллиги, коллоид турғунлиги, термотурғунлиги ва таъсир қилувчи моддаларнинг асослардан тўлиқ ажралиб чиқиши каби сифат кўрсаткичлари ўрганилди. Олинган натижалар 9-жадвалда келтирилди.

Турли асосларда олинган суртманинг сифат кўрсаткичлари


Ўрганилган кўрсаткичлар	Таркиблар				
	№1	№2	№3	№4	№5
Ташқи кўриниши	Сариқ рангли, ўзига хос ҳидли				
Бир хиллиги	Бир хил	Бир хил	Бир хил	Бир хил	Бир хил
Коллоид турғунлиги	Қатламларга ажралди	Қатламларга ажралди	Қатламларга ажралмади	Қатламларга ажралмади	Қатламларга ажралди
Термик турғунлиги	Қатламларга ажралди	Қатламларга ажралмади	Қатламларга ажралмади	Қатламларга ажралди	Қатламларга ажралди
pH	6,7	7,02	7,0	7,0	6,9

Натижаларга кўра 1, 2, 4, 5 таркибли суртмалар юқори ҳароратда (40-45°C) турғун бўлмай, қаватларга ажралганлиги туфайли кейинги тадқиқотлардан олиб ташланди.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичида суртма биологик фаол моддаларининг ажралиб чиқиш кинетикасини биофармацевтик усулларда ўрганилди. Бунда тўғри ва тескари диффузия усуллари қўлланилди.

1) *Желатин гелига диффузия усули (тўғри диффузия усули)*-5 % ли желатин гелига индикатор 5 % ли темир (III) хлорид эритмаси солинди ва Петри косачасига қуйилиб, 2 кунга қолдирилди. Биологик фаол моддаларнинг турли асослардан ажралиб чиқиш динамикаси 1 а-расмда келтирилди. Бунда 3 намунада максимал даражада ажралиб чиқиши аниқланди.

2) *Тескари диффузия усули*: тенг миқдорда тўғри (I) ва тескари (II) эмульсия типигаги асослар модель муҳит сифатида олинди. Ушбу модель муҳити организмнинг гидрофил-липофил баланси структурасини ифодалайди. Биологик фаол моддаларнинг турли асослардан ажралиб чиқиш динамикаси 1 б-расмда келтирилди. Бунда 3-таркибли намунада максимал даражада ажралиб чиқиши аниқланди.



1-расм. Тўғри диффузия (А) ва тескари диффузия (Б) усулида биологик фаол моддаларнинг турли асослардан ажралиб чиқиш динамикаси

Ўтказилган тажрибалар натижасида 3 таркиб танланди, бунда олинган суртманинг ранги, ҳиди ўзгармади, қатламларга ажралиши кузатилмади, суртма юмшоқ консистенцияга эга.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида 100,0 г суртма учун қуйидаги таркиб танланди:

Узун куркума қуруқ экстракти	3,0 г
Сассиқ каврак қуруқ экстракти	2,0 г
ПЭО 400	45,0
ПЭО 1500	30,0
Глицерин	20,0
Умумий оғирлиги:	100 г

Диспергирланган қуруқ экстрактлар ёки уларнинг эритмалари бир хил массали гомоген суртма ҳосил қилиш учун эритма типиди асосга киритилди. Бунинг учун узун куркума қуруқ экстракти глицеринда эритилиб, сассиқ каврак қуруқ экстракти асос билан эзиш усулида киритилди.

Суртманинг сифатини баҳолаш ва таркибидаги биологик фаол моддаларини миқдорий таҳлили. Суртма таркибидаги асосий таъсир этувчи компонентлар куркумин ва ферул кислота ҳисобланади. Суртма таркибидаги куркуминоидлар ЮССХ усулида аниқланди.

Турли тадқиқотлар натижасида танлаб олинган «Курферит» суртмаси сифати баҳоланди ва олинган натижалар 10-жадвалда келтирилди.

10-жадвал

“Курферит” суртмасининг сифат кўрсаткичлари


№	Ўрганилган кўрсаткичлар	МҲ бўйича кўрсаткичлар	Натижалар
1.	Ташқи кўриниши	Тўқ сариқ рангли, бир хил консистенцияли, ўзига хос хидли суртма	Талабга жавоб беради
2.	Чинлиги	Куркуминоидларга сирка кислота билан сифат реакция.	Талабга жавоб беради
		Сесквитерпенларга винилиннинг сульфат кислотадаги эритмаси билан сифат реакция.	Талабга жавоб беради
3.	Бир хиллиги	Суртма бир хил бўлиши керак	Талабга жавоб беради
4.	Коллоид турғунлиги	5 дақиқа 1500 айл/дақ тезлик мобайнида айлантирилганда қатламга ажралмаслиги керак	Талабга жавоб беради
5.	Термотурғунлик	40 ± 2 ⁰ С ҳароратда термостатда 6 соат давомида қатламларга ажралмаслиги керак.	Талабга жавоб беради
6.	рН кўрсаткичи (1:10 нисбатдаги сувли ажратма)	5,0 дан 7,0 гача	5,97

7.	Микдорий таҳлил ЮССХ	100 г суртма таркибида куркуминоидларнинг миқдори 0,294 % дан кам бўлмаслиги керак	0,295%
		100 г суртма таркибида ферул кислотанинг миқдори 0,0001% дан кам бўлмаслиги керак	0,00011%
8.	Микробиологик тозалиги	1 г препаратда бактериялар ва замбуруғларнинг умумий сони 100 дан, энтеробактериялар ва бошқа грамманфий бактериялар сони 10 дан ошмаслиги, <i>Pseudomonas aeruginosa</i> , <i>Staphylococcus aureus</i> бўлмаслиги керак.	Талабга жавоб беради

Ноньютон суюқликларнинг қовушқоқлигини моделлаштирилган шароитларда аниқлаш суртмаларни фойдаланиш ва сақланиш шароитларини белгилаб беради. Таклиф этилаётган суртма ноньютон суюқлик бўлганлиги учун унинг структура-механик кўрсаткичлари ўрганилди.

«Курферит» суртмасининг структура-механик хусусиятлари Ц/Ц₁ «цилиндр-цилиндр» ячейкалар (ячейкалар константаси $z = 5,6$) тизимли «Реотест-2» (Германия) асбобида 25 °С, 40 °С, 55 °С ҳароратларда аниқланди. Асбобнинг ҳарорат оралиғи 5°С - 500°С.


Олинган натижаларга биноан суртма намунасининг 25 °С, 40°С, 55°С ҳароратларда самарали ёпишқоқлигининг тезлик градиентига (γ) боғлиқлик реограммаси ишлаб чиқилди. Ҳароратни ортиши, самарали қовушқоқлик эгрисини кичик соҳаларда силжишини кўрсатади. Бу ҳолат суртма структурасини тузилишини ва уни ҳарорат таъсирида оқувчан ҳолатга ўтишидан далолат беради (2-расм).



2-расм. Суртма намунасининг 25°С, 40°С, 55°С ҳароратларда самарали ёпишқоқлик логарифми нинг тезлик градиентига боғлиқлиги
Бу ерда 25 ° С, 40 ° С, 55 ° С тўғридан тўғри ўлчаш (ошиши билан),
25 ° С *, 40 ° С *, 55 ° С * тескари ўлчаш (пасайиши билан).

Барча ҳолатларда кесиш майдони таъсири кучайиши билан тезлик градиентининг ошишида $\ln \Pi_{eff}$ нинг кескин пасайиши кузатилди. Тезлик градиентининг ўсишининг бошланғич қисмида $\gamma \rightarrow 0-40 \text{ с}^{-1}$ кейин $\ln \Pi_{eff}$ $\gamma \rightarrow 500 \text{ с}^{-1}$ гача бир меёрда пасайиши кузатилди. Ҳароратнинг ўсиши суртманинг қовушқоқлиги (оқувчанлик)ни пасайишига олиб келмоқда, яъни ҳароратни ошиши билан реограммалар кичик қийматлар $\ln \Pi_{eff}$ майдонида силжиши кузатилди.

Кейинги тажрибаларда суртма намунасида тиксотропик хоссаси ўрганилиб, 3-расмда тезлик градиентини сурилиш кучланишга боғлиқлигини ифодаловчи чизма келтирилди.



3-расм. Суртма тезлик градиентининг кучланишга боғлиқлиги

Расмдан 25 °С, 40 °С, 55°С ҳароратларда гистерезис ҳалқаси ёрқин намоён бўлиши кўриниб, бу намуна тезлик градиентини 50-300 с⁻¹ оралиғида структура ўзгариш жараёни кечишидан далолат беради.

«Курферит» суртмасининг оқиш активланиш энергияси 26,6 кДж/моль бўлиб, у Эйринг-Френкель формуласи ($\ln \eta = \ln A + (E_a/R)1/T$) орқали ҳисобланди. Маълумки, водород боғи энергиясининг диапазони 3-50 кДж/молни ташкил этиб, бу суртмани қатламли оқишида силжиш майдонида ковалент боғ даражасида эмас, балки водород даражасида узилишидан далолат беради. Олинган натижа суртмаларни амалиётда қўллаш учун жуда муҳим тавсифнома бўлади.

Натижаларга кўра, суртма таркибига киритилган гель ҳосил қилувчи ва бошқа ёрдамчи моддалар ҳамда уни сақлаш шароити суртманинг реологик хусусиятларга сезиларли таъсир кўрсатиш аниқланди. Олинган суртманинг оптимал сақланиш ҳарорати 25 °С деб белгиланди.

«Курферит» суртмасининг сақланиш муддати табиий усулда 2 йил давомида ўрганилди. Суртма 2 йил мобайнида сақлангандан сўнг барча текширилаётган кўрсаткичлар бўйича меъерий ҳужжатларда келтирилган талабларга жавоб берди.

ҲУЛОСА

1. Биринчи марта узун куркума ва сассиқ каврак илдизи ва илдизпояларидан замонавий циркуляцион усулни қўллаб куруқ экстрактларни олиш технологияси тавсия этилди. Олинган куруқ экстрактлар таркибидаги таъсир этувчи моддалари-куркуминоидлар, ферул кислота ҳамда аминокислоталарнинг миқдорий таҳлили ўтказилди ва сифат меъёрлари белгиланди.
2. Илк бор узун куркума (*Curcuma longa L.*) ва сассиқ каврак (*Ferula assefoetida L.*) ўсимлик хомашёлари асосида капсулаланган биологик фаол қўшимча ҳамда суртма технологияси ишлаб чиқилди ва улар учун илмий асосланган таркиб таклиф этилди.
3. «Курферит» суртмаси технологияси «Pharmakon LLC» МЧЖда саноат шароитида синовдан ўтказилиб, олинган натижалар асосида тажриба-саноат технологик регламенти тасдиқланди ва ушбу технология ишлаб чиқаришга тавсия этилди.
4. Илк бор «Курферит» суртмасининг реологик хоссалари: структура қовушқоқлиги, оқувчанликнинг активланиш энергияси ўрганилиб, ушбу хоссалар ҳароратга узвий боғлиқлиги белгиланди.
5. Капсула шаклидаги «Курмуфер» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 23937838-25:2018) ва Технологик йўриқнома (ТИ 23937838-25:2018) ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АБДУХАЛИЛОВА НИЛУФАР САБИРОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНОЙ
ДОБАВКИ И МАЗИ НА ОСНОВЕ КУРКУМЫ**

15.00.01 - технология лекарств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В.2019.1.PhD/Far44.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.pharmt.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Искандарова Шохиста Фехрузовна**
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юнусова Холида Маннановна**
доктор фармацевтических наук, профессор

Ходжаева Ирода Ахматходжаевна
доктор фармацевтических наук

Ведущая организация: **Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт имени А.Султонова**

Защита диссертации состоится «06» октября 2021 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, улица Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmt.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 22). (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, улица Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Автореферат диссертация разослан «20» сентября 2021 г.
(Реестр протокола рассылки № 22 от «20» сентября 2021 г.).



К.С. Ризаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

Ф.Ф. Урманова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, заболевания опорно-двигательной системы являются одним из основных факторов, приводящих людей различного возраста к инвалидности. Эти заболевания приводят к серьезным негативным последствиям, ограничивающим функциональные возможности человека. В связи с этим, проводится комплекс мероприятий по профилактике заболеваний опорно-двигательной системы, предусматривающие разработку и использование биологически активных добавок и комплекса микронутриентов для обеспечения качественного и сбалансированного питания населения.

Во всем мире в области фармацевтической промышленности большое внимание уделяется научным исследованиям по созданию лекарственных препаратов и биологически активных добавок на основе лекарственных растений с использованием инновационных технологий. Одним из направлений данных научных исследований является получение и стандартизация сухих экстрактов из растительного сырья современным способом, а также разработка на их основе состава и технологий эффективных лекарственных препаратов и биологически активных добавок.

В нашей республике особое внимание уделяется развитию производства эффективных, безопасных и доступных биологически активных добавок, и лекарственных препаратов на основе лекарственного растительного сырья, а также обеспечению ими населения. В четвертом направлении Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы определены важные задачи, направленные на «дальнейшее развитие фармацевтической промышленности, улучшение обеспечения населения и лечебно-профилактических учреждений доступными, эффективными лекарственными средствами и медицинскими изделиями».¹ В связи с этим важное значение имеет организация свободных экономических зон фармацевтического производства, расширение ассортимента биологически активных добавок из местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации мер, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2911 от 20 апреля 2017 года «О мерах по созданию благоприятных условий для ускоренного развития фармацевтической промышленности республики», ПП-3489 «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», ПП-3968 от 12 октября 2018 года «О мерах по упорядочен сферы

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

народной медицины в Республике Узбекистан» и других нормативных актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В области выделения биологически активных веществ из растений, а также разработки и внедрения их в практическую медицину особое значение имеют научные труды таких отечественных учёных, как С.И.Искандаров, А.Н. Юнусходжаев, А.У.Маматханов, Р.М. Халилов, Л.Д. Котенко, С.Н. Аминов, Х.Н. Бекчанов, Ш.Н. Мадрахимов.

В мировом масштабе научные исследования по разработке технологии и изучению потребления биологических активных добавок из растительного сырья, проведены следующими учеными: G.N.Asher, K.Spelman, A.Bharti, H.Bauyer, R.A.Disilvestro, E.Jozeph, S.Zhao, J.Bomser, H.Hatcher, R.Planalp, J.Cho, F.Torti. В странах СНГ важны научные исследования таких ученых, как А.П.Козлова, М.Ю.Борисов, В.А.Куркин, Е.В.Авдеева, Т.К.Рязанова, В.М.Рыжов.

Запланированные в рамках данной диссертационной работы исследования по получению сухих экстрактов из корней и корневищ *Curcuma Longa L.*, и *Ferula asse-foetida L.* современным циркуляционным методом, а также подбору научно-обоснованного, обеспечивающий синергетическую активность состава биологически активных добавок на их основе ранее не проводились.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института на тему «Разработка оригинальных лекарственных средств на основе местного лекарственного растительного сырья и координационных соединений и внедрение их в медицинскую практику».

Целью исследования является разработка технологии биологически активной добавки и мази на основе куркумы длинной (*Curcuma longa L.*) и ферулы вонючей (*Ferula asse-foetida L.*).

Задачи исследования:

проведение анализа литературных данных по теме диссертационного исследования;

